

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 07 | pp. 110-120 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРИК УЧУН ВЕНЧУР ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Атамурадов Шерзод Акрамович



Навоий давлат кончилий ва технологиялар университети
мустақил тадқиқотчиси

Самадов Салоҳиддин Исматович
Ўзбекистон Республикаси

Бандлик ва Мехнат муносабатлари вазирлиги
хузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ижрочи директори
E-mail: sher_zod@inbox.ru

Абстракт: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида юқори технологияларга асосланган соҳалар ҳамда инновацион лойиҳаларни ривожлантириш учун қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёж сезилади. Ушбу мақолада таваккалчилик инвестицияларини молиялаштиришнинг анъанавий ҳамда замонавий манбалари кўриб чиқилмоқда. Тадқиқот мақсади бўлиб инновацион лойиҳаларни венчур молиялаштиришнинг муқобил воситалари имкониятларини баҳолаш бўлиб ҳисобланади.

Калит сўзлар: инновациялар, венчур капитал, венчур фонд, диверсификация, пенсия фонди, сугурта компаниялари, инфраструктура.

КИРИШ

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади¹. Бу масалаларни ечиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш иили" да амалга оширишга оид Давлат ластурига мувофиқ 2020 йилнинг 29 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илм-фанни 2030 йилгача

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6097-сонли Фармони. 2020 йил 29 октябр.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6097-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш белгилаб берилган.

Ушбу мақолада мамлакатда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва венчур фонdlарини ташкил этиш орқали инвестицияларини жалб қилиш масалалари ҳамда босқичлари таҳлил қилинган.

Илмий муаммонинг қўйилиши. Иқтисодиётни инновацион ривожланиши ва инновацион фаолиятни инвестициялаш масалалари тадқиқоти билан бир қатор хорижлик олимлар, жумладан, Лундвалл Б, Менш Г., Порттер М., Кортум С., Солоу Р., Тоффлер Э., Хурикава М, Фримен К., Шумпетер Й. ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан А.Виролайнен, Е.Игнатущенко, А.Попов, И. Мельникова, А.Нечаев, И.Родионов, Ю.Рюмина, Б.Лисин, Т.Тумина, Р.Фатхутдинов кабилар иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда турили омиллар ролини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришиган.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам ўрганилган. Жумладан Абулкасимов Х.П., Бегалов Б.А., Вахабов А.В., Воронин С.А., Пардаев М.Қ., Гайназарова З.Т., Гиясов С.А., Жаҳонгиров И.Ж., Кадиров А.А., Махкамова М.А., Махмудов Н.М., Мухитдинова Н.К., Назарова Р.Р., Разикова Г.Х., Расулов Т.С., Шакирова Ф.Б., Юлдашев Ш.Г. ва бошқаларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий ишларига қарамасдан, бугунги кунда инновацион тадбиркорликни венчур фонлари орқали молиялаштириш механизmlарини ишлаб чиқишининг муаммоларига бағишиланган комплекс тадқиқотларни олиб бориши талаб қилинмоқда. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг асосларини такомиллаштириш бўйича алоҳида илмий изланишлар олиб боришини тақозо қилмоқда.

Тадқиқот методологияси. Маълумки, бозорда узоқ вақт фаолият олиб бораётган тажрибали ҳамда йирик корхоналар учун инвестицияларнинг роли - стратегик ривожланиши таъминлашдан иборат бўлса, кичик ва бозога янги кириб келган корхоналар учун инвестициялар нафақат ривожланиш, асосан рақобат мухитида курашида жон сақлаб қолиш учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Бу эса кичик бизнес капиталининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Кичик бизнес йирик бизнесга қараганда анча ўзгарувчан ва стратегик мослашувчаникка эга. Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари бозорда олдиндан фаолият юритиб келаётган компаниялар билан очик рақобатга киришолмаслиги мумкин, бироқ улар бу даврда ўзининг бозордаги ўрни ва мавқеини эгаллай бошлишади, шу сабабли кичик бизнесда одатда йирик компанияларга қараганда камроқ сармоялар талаб қилинади.

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, кичик бизнес катта бизнесга қараганда унчалик барқарор эмас. Масалан, мижозлар томонидан тўловларни маълум муддатга шунчаки кечикирилиш ҳолатининг ўзи кичик бизнеснинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли инвестицияларнинг зарур ҳажмига ўз вақтида эга бўлиш бизнесда барқарорликни таъминлайди ва ўсиш учун зарурий шарт-шароитларни яратади.

Инновацион бизнесга келдиган бўлсак, уни молиялаштириш учун инвестиция манбаларини жалб қилиш осон эмас. Чунки янгиликка асосланган, яъни инновацион бизнеснинг дастлабки босқичларида юқори таваккалчилик хатари мавжуд бўлиб, сармоя киритилган лойиҳаларнинг якуний натижалари амалга оширилгандан кейин ижобий самарага эришилмаса киритилган маблағдан ажралиб қолиш хавфи юқори ҳисобланади. Айниқса илм-фан соҳасидаги илмий-тадқиқот натижалари молиялаштирилгандан сўнг анча вақтгача даромад келтириши кафолатланмаганлитигини ҳам таъкидлашимиз керак.

Таҳлил ва натижалар

Таваккалчилик даражасининг юқорилиги инновацион тадбиркорлиқда янги ғоялар тезда ижобий самара бермаслиги билан изоҳланади. Инвесторлар эса таваккалчилик хатари юқори бўлганлиги учун ҳам инновацияни жорий этишда ва молиялаштиришда эҳтиёткор бўлишади. Илмий таҳлиллар олиб бориши жараёнида шу нарса кўзга ташланадики, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш чоғида кузатиладиган таваккалчиликларни қўйидаги 1-расмда келтирилган кўринишларда ифодалаш мумкин:


Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кутилиши мумкин бўлган таваккалчиликлар



1-расм. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кутилиши мумкин бўлган таваккалчиликлар

Бу каби таваккалчиликлар инновацион лойиха хаёт даврининг айниқса, дастлабки босқичларида, компания янги маҳсулот ёки технология прототипини яратишдан тижорат ривожланиш босқичига ўтганда кўпроқ учрайди. Ушбу даврда, ноаниқлик ва шунга мувофиқ инвестициялаш хавфи жуда юқори бўлади, шу билан бирга тижорат ва техник таваккалчиликнинг кўплаб омиллари ўз таъсирини кўрсатади.

Инновацион лойихаларни амалга оширишда дуч келадиган бу каби таваккалчиликларни енгиб ўтиш даври айрим иқтисодий адабиётларда "ўлим водийси" деб юритилади. (2-расм).



1-расм. Инновацион лойихалар ва стартарапларнинг "ўлим водийси"

"Ўлим водийси" пайдо бўлишининг сабаби шундаки, аксарият тадбиркорлар ва инвесторлар тезкор натижани кутадилар. Лойиха яратувчилари ҳамда маҳсулот намунасини ишлаб чиқувчиларнинг асосий мақсадлари эса асосан илмий натижага қаратилган бўлиб, уни ишлаб чиқариш соҳасида амалий қўлланилиши ва тадбиркор кутган молиявий натижага бўйича манфаатдор эмаслар.

Тижорат (бозор) омиллари келтириб чиқарадиган муаммолар бозорда янги маҳсулотни ёки технологияни қабул қилинмаслик хавфини ўз ичига олади. Ушбу масала иқтисодий адабиётларда етарлича батафсил ёритилган. Хусусан, 1962 йилда америкалик социолог Эверетт Рожерс инновацияларнинг тарқалишини - янгиликни ўз вактида ижтимоий тизим аъзолари ўртасидаги алоқа каналлари орқали етказиш жараёнини ўрганган ва унинг тадқиқот натижалари "Инновациялар диффузияси" (*Diffusion of innovations*) китоби туфайли оммалашди. Э.Рожерс ушбу китоби орқали инновацияларни, яъни янги ғоялар, технологиялар, жараёнлар ёки маҳсулотлар "диффузия"си (тарқалиши) ижтимоий тизим ва маданиятлар аъзолари орасида муайян каналлар орқали қандай, нима учун ва қандай тезлиқда узатилишини изоҳлайди². У жамият аъзолари томонидан инновацияларни қабул қилишнинг графиклари асосан беш қисмга бўлинган ва қўнғироқ шаклидаги эгри чизиқقا

² https://ru.wikipedia.org/wiki/Diffusion_of_innovations

ўхшашлигини келтириб ўтади. Э. Рожерс хар бир қисмдаги омилларни таҳлил қиласи ва уларнинг хусусиятларига асосланиб сегментларга ном ва рейтинг беради:³

1. Новаторлар (2,5%) – жамиятда маълумоти юқори даражада бўлган ва таваккалга тайёр қисми. Новаторлар ахборот манбаларидан фойдаланишда фаол, мураккаб техник билимларни эгаллашга ва қўллашга қодир, муваффақиятсизликдан қўрқмайдилар. Новаторларга инновацион стартапларнинг асосчилари бўлган тадқиқотчиларнинг ўзи киради; уларнинг иштиёқи билан компания фаолиятининг биринчи босқичида ривожланади.

2. Дастрлабки издошлар (13,5%) - янгиликларни жамиятга киритиш учун янги технологиялардан фойдаланишга интилаётган ижтимоий раҳбарлар. Улар таваккалчи бўлиб, нархга унча аҳамият бермайдилар ва стартаплар учун дастрлабки босқични таъминлайди.

3. Илк қўпчилик (34%) – улар янги маҳсулотларни сотиб олишга мойил бўлган, аммо жуда эҳтиёткор ва биринчи бўлишга интилмайдиган аҳолининг кенг қатлами. Инновацион стартапни айна мана шу қатlam бозорига олиб чиқиш учун катта миқдордаги сармоялар керак бўлади ва бу ерда “ўлим водийси” дан чиқиш муаммоси пайдо бўлади.

4. Кейинги қўпчилик (34%) - ижтимоий даражаси анча паст, нарх сиёсатига жуда таъсирчан ва қўпчилик босими остида янгиликларни қабул қиласидиган истеъмолчилар гуруҳи. Ушбу истеъмолчилар бозорига кириш учун катта ҳажмдаги сармоялар зарур бўлади.

5. Қолоқлар (16%) - инновацияларга шубҳа билан қарайдиган, етакчи бўлмаган, тор доирадаги қарашларга эга истеъмолчилар.

Ривожланишнинг дастрлабки босқичларида инновацион бизнес ушбу мақсад учун маҳсус яратилган инновацион инфратузилма ташкилотлари орқали давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мумкин.

Кўпгина хорижий мамлакатларда, анъанага кўра, юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик фирмалар учун дастрлабки босқичда молиялаштириш манбаи бўлиб венчур капитали ҳисобланади. Бунда, технологик ривожланишнинг дастрлабки босқичи корпорациялар, бизнес-фаришталар ва айрим ҳолларда давлат томонидан молиялаштирилади. Давлатнинг роли, аввало, тадбиркорнинг инновацион лойиҳаларини тўғридан-тўғри молиялаштиришда эмас, балки технологияни тижоратлаштириш учун зарур бўлган маҳсулот босқичига қўтаришда қулай шароитларни яратишда бўлиши керак. Бу жараёнларда давлат қўйидагича ҳаракат қилиши мумкин:

- технологик доирада хамкор ёки шерик излашда ташаббускор;
- технологик маҳсулотларни бозорга чиқарилиши бўйича бўлган экспертизани ташкил этишда иштирокчи;
- технологияларни ривожлантиришнинг дастрлабки босқичида маслаҳат бериш ва бошқариш жараёнининг ташкилотчиси;

³ Л. М. Лапицкая Венчурное финансирование: учеб. пособие / Л. М. Лапицкая. – Минск : БГУ, 2019. 12-бет

- қўллаб-кувватланадиган соҳаларни танлашда давлат ва жамият манфаатларининг бошқарувчиси, унинг миллий устуворликлар билан боғлиқлигини таъминловчи;
- технологияларни ривожлантириш ва технологик жараёнларининг шерик инвестори.

Венчур капитал түшиунчаси ва шаклари. Америка Кўшма Штатларининг Венчур Капитал Ассоциацияси тарифи билан айтганда, венчур капитал - бу иқтисодиётта катта ҳисса қўшадиган компанияларга айланиш имкониятига эга бўлган ва тез ривожланаётган ёш компанияларга сармоя киритадиган тажрибали инвесторлар томонидан ажратиладиган молиявий маблағлардир. Венчур капитали фаолиятини энди бошлаган инновацияон ғояга эга компаниялар учун муҳим молиявий манба ҳисобланади.


Венчур - бу маҳсус иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, унда инвесторнинг бошқарувдаги иштироки орқали бизнесда тўплаган тажрибаси, ўзаро манфаатли алоқалари ва кўнікмалари янги компания асосчиларига қўл келади ҳамда уларнинг муваффақиятида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айнан мана шу «ақдли» сармоялар янги инновацион компаниялар учун хаёт-мамот даври ҳисобланган "ўлим водийси" дан ўтишга ёрдам беради.

Венчур сармоядорлари ўзлари инвестиция киритган компаниялар улушкини сотиб олишади. Ушбу инвестициялар узоқ муддатли (одатда 5 йилдан 10 йилгача) амал қиласди. Шунинг билан бирга, венчур инвесторлари компания устидан тўлиқ назоратни талаб қилмайди ва дивиденд олишга катта қизиқиш билдирумайдилар. Чунки венчур инвестициялари босқичма-босқич молиялаштириш, жалб қилинадиган фоизсиз маблағлар, корхонанинг ўсиши учун сабр-тоқат ҳамда инвестор ва ғоя эгалари ўртасида яқин ҳамкорлик тамойилларига асосланади.

Гарчи венчур инвесторлари тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга оширсалар ҳам, венчур молиялаштиришнинг ўзи қуидаги бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин:

- оддий акциялар;
- имтиёзли акциялар;
- кредит;
- аралаш воситалар.

Венчур инвестицияси капиталнинг турли шакларини (ҳиссадорлик, кредит ва тадбиркорлик) бирлаштирган ҳолда, инвесторлар ва молиялаштиришга муҳтоҷ компаниялар ўртасидаги муносабатларда воситачи вазифасини бажаради (3-расм).



Дарҳақиқат, мазмунига кўра бевосита инвестициялар ҳисобланган венчур инвестициялари уларни бошқа турдаги инвестициялардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар қуидагилар:

1. Венчур инвесторлар (венчур капиталистлар) сармоядорлардан капитал жалб қилиб, ўз портфелидаги компаниялар акцияларига тўғридан-тўғри сармоя киритиб, молиявий воситачи вазифасини бажарадилар.
2. Венчур инвесторлари ўз маблағларини фонд бозорида рўйхатта олинмаган хусусий компанияларга киритадилар.
3. Венчур инвесторлар инновацион компанияларни бошқаришда, уларга зарур ёрдам кўрсатишда, шунингдек уларнинг фаолиятини кузатишда фаол роль ўйнайди.
4. Венчур инвесторлари ўzlари молиялаштирган компаниялар капитали иштироқидан чиқиб кетганда, асосий даромадларини ўз акцияларини стратегик инвесторларга ёки қимматли қоғозлар бозори орқали сотиш билан қўлга киритишиди. (агар компания акцияларни бирламчи жойлаштириш орқали фонд бозорига кирса).
5. Венчур сармоядорлари компанияларнинг ички ўсишига сармоя киритишини бошқариш орқали таъсисчиларнинг компания фойдасига бўлган муносабатига таъсир кўрсатадилар.
6. Таваккалчиликни камайтириш мақсадида венчур сармоядорлари ўzlари молиялаштирган компанияларга босқичма-босқич маблағ киритадилар.

Венчур капитал бозори ва унинг иқтисодиётни ривожланишидаги роли

Венчур капитали бозорини учта сегментга бўлиш мумкин:

- классик ёки институционал капитал;
- норасмий венчур капитали (бизнес фаришталари);
- корпоратив венчур капитали.

Сегментларнинг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари қуидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Венчур капитали бозорининг асосий уч сегментлари тавсифи

Хусусиятлари	Институционал венчур капитал	Бизнес-фаришталар	Корпоратив венчур капитали
Молиявий ресурслар манбаси	Асосан чекланган масъулиятли ҳамкорлар сифатида фаолият кўрсатадиган институционал инвесторлар (венчур фондлари, инвестиция фондлари, суғурта компаниялари)	Асосан ўз маблағларини инвестиция қилувчи хусусий сармоядорлар	Бюджетини нг бир қисмини таваккалчилик хавфи юқори даражадаги инновацион лойихалар учун ажратадиган йирик корпорациялар
Ташкилий шакли	Масъулияти чекланган ҳамкорлик (МЧХ), limited partnership	Хусусий тадбиркорлик, гоҳида ассоциациялар	Йирик корхоналарнинг бўлимлари, ёки шўъба корхонаси
Инвесторларнинг хусусиятлари	Профессионал инвесторлар, йирик инвестиция имкониятлари, эҳтиёткорлик билан танлаш тартиби	Инвесторлар, мутахассислар, йирик компанияларнинг менежерлари, чекланган инвестиция имкониятлари, соддалаштирилган танлов босқичи	Технологияларни кўзлаган инвесторлар, катта инвестицион имкониятлар, эҳтиёткорлик билан танлаш тартиби
Инвестиция киритиш учун мотив	Ҳиссадорлик капитали қийматининг ўсиши	Шахсий фаровонликнинг ошиши	Корпорациянинг стратегик ўсиши
Мониторинг ва назорат	Мониторинг ва назоратнинг	Мониторинг ва назоратнинг	Мониторинг ва назорат

	расмий босқичлари	норасмий босқичлари	корпоратив меъёрлар доирасида
--	----------------------	------------------------	-------------------------------------

Нима учун инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида венчур капитали жуда муҳим? Буни қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, венчур капитали бизнеси технологик ривожланишининг энг истиқболли йўналишларига қаратилади ҳамда муҳим босқич ролини ўйнайди. Венчур капиталини жалб қилиш банклар, йирик корпорациялар ва давлат учун инвестиция обьектларидан юқори даромад олиш имконияти тўғрисида сигнал бўлиб хизмат қиласи. Шундай қилиб, инвестицияларни иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларига тақсимлаш имконияти пайдо бўлади.

Иккинчидан, венчур капитали инновацияларни рағбатлантириш орқали йирик компанияларни ўргасида рақобатни ривожлантиради. Бу пировардида мамлакат иқтисодиётининг инновацион имконияти ва рақобатбардошлигини оширади.

Учинчидан, венчур бизнеси ишбилармонлик қадриятлари ва бизнес этикаси, тадбиркорликни ташкил этишининг янги моделлари тўғрисида инновацион ғояларни шакллантиришга турки бўлади. Шахсий ташаббус, янгиликни жорий этиш ва новаторликнинг ўрни ортиб боради. Айниқса лойиҳаларнинг фойда олиниши мавҳум бўлган дастлабки босқичларда мотивация алоҳида аҳамиятта эга ҳисобланади.

Тўртингчидан, тез суръатларда ривожланаётган технологияларнинг мураккаблигига қарамасдан кириб келадиган инновацияларга қисқа фурсатда жавоб бера оладиган етарлича мослашувчаникка эга бўлган инвестиция механизми яратилади.

ХУЛОСА

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам венчур инвестицияларни жалб қилишга мўлжалланган ва компанияларни инвестицияларни қабул қилишга тайёрлайдиган, инновация компанияларининг, венчур инвестицияларни амалга ошириш хусусиятини тушунадиган малакали кадрлар сони жуда чекланган. Бунинг боиси венчур молиялаштириш бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг комплекс дастурларининг мавжуд эмаслигидир.

Бизнес бўйича таълимнинг барча жабҳалари бўйича менеджерлар тайёргарлигини олиб бораётган давлат ва нодавлат таълим муассасалари венчур молиялаштириш соҳасида юқори малакали мутахассисларнинг тайёрланишини таъминлай олмаяпти.

Шу муносабат билан венчур молиялаштириш соҳасида ихтисослаштирилган таълим тизимини шакллантириш ва услубий таъминотни ишлаб чиқиш долзарб масала деб ҳисоблаймиз. Буни қўйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

- “Молия ва кредит”, “Инновацияларни бошқариш” каби мутахассисликлар бўйича таълим олаётган талабалар учун олий таълим муассасалари қошида венчур молиялаштириш бўйича маҳсус маъruzalар курсини ташкил қилиш;

- венчур молиялаштириш бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг маҳсус қасбий тизимини яратиш.

Ўқув материаларини тайёрлаш кадрларни тайёрлаш тизимида фавқулодда аҳамиятга эга бўлиб, чунки ўз моҳиятига кўра у таълим жараёнининг мазмунини белгилайди. Янги ўқув материаларини ишлаб чиқиш, мутахассисларнинг инновация соҳасидаги малакасини халқаро қабул қилинган ва хорижда тан олинган стандартлар даражасидаги қасбий малакавий стандартларни яратиш билан бир вақтда ва келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бундай материаларни яратиш чоғида таклиф этилаётган ўқув дастурларининг нафақат энг юқори халқаро даражага мувофиқлиги, балки миллий иқтисодиётининг инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги эҳтиёжларига ҳам мувофиқлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Яратилган сифатли материаллардан имкон қадар кўпроқ фойда олиш учун барча манбаатдор томонларнинг улардан эркин фойдаланишини таъминлайдиган ахборот тизимини яратиш лозим бўлади.

Венчур молиялаштириш бўйича мутахассисларни қасбий тайёрлашнинг маҳсус тизими сифатида венчур тадбиркорлиги бўйича коучинг-марказлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур марказлар венчур фонdlарининг фаолияти ва тўғридан-тўғри инвестицияларни юқори технологияли кичик секторларга жалб қилиш, шунингдек Ўзбекистон сармояси иштирок эттан тармоқ ва ҳудудий венчур фонdlарини яратиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бутун бир мажмуаси бўйича таълим ва маслаҳат хизматларини тақдим этишга қаратилган.

Венчур фаолиятини ривожлантиришнинг зарур шартларидан бири бўлиб, венчур молиялаштириши учун жозибали бўлган кичик тез ўсуви инновацион компанияларининг мавжудлиги ҳисобланади, чунки венчур капитали моҳиятига кўра ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас – бу шунчаки пуллар ҳолос. Венчур инвестициялари обьектларининг ҳажмини оширишда асосий ўрин ОТМ қошидаги бизнес-инкубаторлар, технологиялар трансфери бўйича марказлар, технопарклар, инновация-технология марказлари, бизнес-акселераторлар ва патентлаш идоралари кабиларга ажратилиши керак.

ОТМлар қошида яратилган ва фаолият олиб борувчи бизнес-инкубаторларнинг вазифаси илмий-техника соҳасини ёш олимлар яратган янги ғоя ва ихтиrolар билан таъминлаш бўлиб, уларни келажақда янги истиқболли технологиялар асосига қўйиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. ПФ-4947 – сон 2017 йил 7 феврал.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” Конуни.ЎРҚ-576-сон. 2019 йил 29 октябр.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. ПФ-6097 – сон 2020 йил 29 октябр

4. Л. М. Лапицкая Венчурное финансирование: учеб. пособие / Л. М. Лапицкая. – Минск : БГУ, 2019. 12-бет
5. Салмина О.А. Финансирование инновационной деятельности: мировой опыт и российская практика// Успехи современного естествознания, 2008., № 7, с. 76.-81
6. Хамидулин М. Финансирование инновационной деятельности: государственные программы и фонды// ж. «Управление предприятием», 2012 г., №4 (58), с. 41-47.
7. Хамидулин М. Особенности финансирования инноваций // ж. «Управление предприятием», 2012 г., № 8, с. 58-67.
8. Ш.Атамурадов. Инновацион фоалиятни венчурули молиялаштиришнинг халқаро моделларини жорий этиш самарадорлиги. "Иқтисод ва молия" илмий-амалий журнали 2019 йил №1 (121) 47-54 бетлар
9. Ш.Атамурадов. Хорижий мамлакатларда венчурули инновацион лойихалаштириш моделлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 2019 йил № 2,
10. Ш.Атамурадов. Турли миңтақаларда венчур инвестицияси мухити таҳдили хамда венчур бизнесини Ўзбекистон иқтисодиётига жорий этиш муаммолари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали 2019 йил № 6 (00044) 69-79 бетлар
11. N. Ashurova, Sh Atamuradov. Analysis of the Venture Investment Environment in the United States, Europe and Asia and the Problems of Uzbekistan in This Region "TEST: engineering and management" USA. 2020/5/6 Vol. 83 pages: 592-600
12. Sh Atamuradov The world tendencies of innovative venchur system development" "International Journal of Psychosocial Rehabilitation Malaysia Малайзия (Vol. 24, Issue 06, 2020 ISSN: 1475-7192)
13. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Diffusionofinnovations>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

